Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
8 февраль
ШАНБА
№ 12 (12648)

www.th.uz

Фаоллар йиғилиши

## ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, йирик саноат корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

**Сим орқали мулоқот тарзида ўтган йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

Фаоллар йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига асосий эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётбахш самаралари туфайли ўтган 2013 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,8 фоиз, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,6, қурилиш ишлари 14,1, хизматлар ҳажми 15,4, чакана савдо айланмаси 14,8 фоиз ўсишига эришилди.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили борасида сўз кетганда, саноат соҳасида эришилаётган ютуқлар кўзга яққол ташланади. Масалан, ҳисобот даврида шу йўналишда 188 та лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2012 йилга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди.

Фаоллар йиғилиши бу муваффақиятларни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, саноат равнақига эътибор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши, ишлаб чиқаришга истиқболли модернизация ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг жадал татбиқ этилиши каби кўламли саъй-ҳаракатлар самараси, дея баҳолади. Бу борада айниқса, давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлгани алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳам алоҳида таҳлил этилди. Мазкур дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалардан 523,8 миллиард сўм сарфлангани дастур қамрови ва кўламидан дарак беради, албатта.

Шу ўринда вилоятда бандлик дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жойларда 87,4 мингта янги иш жойлари ташкил этилишига мустаҳкам асос бўлганини айтиш жоиз. Янги иш жойларининг 70 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келгани аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар, айниқса, касб-ҳунар таълими муассасаларини битириб, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни муқим ва кафолатланган иш жойлари билан таъминлашда янги имкониятлар яратди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда муайян соҳаларда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани ҳам таъкидланди. Масалан, мавжуд шарт-шароитлар, мақбул инвестицион муҳит, ҳар томонлама қулай инфратузилма, йўл-транспорт, коммуникация имкониятларига қарамай, айрим туман ва шаҳарларда саноат, кичик бизнесни ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни равнақ топтиришга етарли эътибор қаратилмаётир. Айниқса, чекка туманларда ҳали-ҳануз иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хориж сармояларини жалб этиш талаб даражасида эмас.

Йиғилишда мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, йиғилиш доирасида тадбиркорлик субъектлари билан эркин мулоқот уюштирилиб, улар олдида турган муаммоларга биргаликда ечим изланди ҳамда истиқболли бизнес лойиҳалар юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

**Ангрен шаҳар тиббиёт коллежида ўтказилган амалий-услубий семинар ёшларнинг эрта турмуш қуриши, ўқувчи-қизлар ўртасида эрта туғуруқ ҳолатларининг олдини олиш, бу борада қатор ташкилотларнинг ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларнинг муҳокамасига бағишланди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази вакиллари, коллеж ва лицейларнинг директор ўринбосарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари иштирок этишди.

Семинар қатнашчилари хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар, таълим муассасаларида йўлга қўйилган маънавий-маърифий ишлар билан танишиб, тажриба алмашишди.

**Руҳшона СОЛИЕВА.**

Биолаборатория



**Энтомофаг – экинлар ҳосилини турли зараркунанда ҳашаротлардан асровчи "ақлли" жонзот. Экин майдонларига жойини билиб, вақтида қўйилса, ҳосил кушандаларига бир зумда қирон келтиради. Қиммат кимёвий заҳарли дориларни ишлатишнинг ҳожати йўқ. Фойдали ҳашаротларни биолабораторияларда етиштириш эса катта сарф-харажат талаб қилмайди. Бу – қишлоқ хўжалигида обдон синалган усул.**

## ЗАРАРКУНАНДА КУШАНДАСИ, ЭКИН ҲИМОЯЧИСИ

Кейинги йилларда пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар шу усулга жиддий эътибор қаратишяпти. Бу биринчидан, анча арзонга тушади. Иккинчидан, экологик жиҳатдан мутлақо хавфсиз. Қолаверса, далада ишлайдиганларнинг саломатлигига ҳеч қандай таҳдид йўқ.

Дарвоқе, бу йил Пискент туманидаги "Туркистон" биолабораториясига яхшигина буюртма тушгани бежиз эмас.

– Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "2014 йилда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан уйғунликда ҳимоя қилиш тадбирларини ўз муддатида сифатли ўтказиш чоралари тўғрисида" махсус Дастур қабул қилинган, – деди биолаборатория мудири Мўътабар Мирсалимова. – Вилоят ҳокимлигининг ушбу Дастур ижросини таъминлашга қаратилган қарорида бу йил биоусулни қўллаш билан боғлиқ устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган. Хусусан, мавжуд биолабораториялар модернизация қилиниб, ўсимликларни ҳимоялашнинг биологик усули тизими яратилди. Биз ҳам вилоят ҳокимлиги қарори асосида тузилган режага кўра иш юритаяпмиз.

58 та фермер хўжалиги билан шартнома туздик. 2125 гектар ғалла ва 2019 гектар пахта майдонларига мавсум давомида 6,4 миллион дона олтинкўз ва 16,5 килограмм трихограмма, 55 миллион дона бракон энтомофагларини етказиб беришимиз керак. Тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборганмиз. Лабораториямизда ҳамма шароитлар яратилган. Хоналар керакли даражада иситилади. Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази энтомофагларга едириладиган озуқаларни тайёрлаш учун керакли "масаллиқ"ларни пешма-пеш етказиб бераяпти.

Мудирнинг айтишича, олтинкўз фойдали ҳашароти ҳамма экин майдонларига қўйилади. Пахта ҳосили кушандаларига эса трихограмма ва бракон қирон келтиради.

– Биолабораторияга ҳаммаси бўлиб, 358 килограммгача шакар, 10 килограмм асал, 1500 килограмм маккажўхори дони, 110 килограмм маргарин, 358 килограмм мерва (асалари уяси) етказиб беришимиз керак, – дейди вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази раҳбари Дилшод Тўпчибоев. – Ҳозиргача, 70 килограмм шакар, 4,5 килограмм асал, 400 килограмм маккажўхори дони, 50 килограмм мерва, 10 килограмм маргарин жўнатдик. Қолганини ҳам биолаборатория мутахассислари талабига қараб етказиб бераверамиз.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Янги қонун кучга кирди

## БОШ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**2014 йил 1 январдан "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни кучга кирди.**

**Давлат бюджети – ҳар бир оила, маҳалла, муассаса, ташкилот, шаҳар, туман, вилоят ва республика даражасидаги даромадлар ҳамда харажатларнинг муайян бир даврдаги баланси ифодаси. У мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати бўлиб, бир йиллик даромад ва харажатлар ўз ифодасини топади.**

Ҳар бир оиладаги сингари давлат миқёсида ҳам даромадларни кўпайтириб боришга ҳамда сарф-харажатларни оқилона йўналтиришга, яъни энг зарур ва нафи каттароқ бўлган харажатларга устуворлик беришга ҳаракат қилинади. Давлатнинг умумий ва зарур харажатларини қоплаш учун давлат ғазнасидан маблағ ажратилади. Етарли ва вақтида маблағ ажратиш эса давлат ғазнасини изчил тўлдириб, кўпайтириб бориш, яъни даромадларни кафолатли тарзда таъминлаб боришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, давлат бюджети даромадларини тўғри ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш, бунда оқилона солиқ сиёсатини юритиш ва харажатларини тўғри йўналтиришга қаратилган бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, пировардида бир-бирига узвий боғлиқ бу жараёнларнинг ҳуқуқий базаси, айниқса, унинг яхлит, ягона тизимли шакли муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Лойиҳа муҳокамаси

## АКЦИЯДОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

**"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни қабул қилишда давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларида акциядорлик жамиятлари институтини ҳам ривожлантириш зарурати тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Хусусан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, уни янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги ва корпоратив бошқарув ҳамда назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозимлиги таъкидланганди.**

Концепцияга мувофиқ, Қонундаги акциядорлик жамиятларининг кузатувчилар кенгаши, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, акцияси кам акциядорлар кафолатини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларнинг, бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компанияси фаолиятига оид ахборотларни олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутувчи нормаларни киритиш зарурлиги таъкидланган эди.

Айни вақтда Парламент Қонунчилик палатасида муҳокама этилган Қонун лойиҳаси ҳам Концепцияга мувофиқ белгиланган вазифаларни қамраб олувчи янги таҳрирдаги қонун сифатида қабул қилинади. Ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш Концепцияси"нинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда).

Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига

## ЭЗГУЛИК ДАҲОСИ



**Башарият ҳаёти ва тарихий тараққиётида улуғ заковат эгалари бўлмиш даҳо инсонларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Улуғ зотлар башариятни ҳамиша эзгуликка, инсонларни комиллик ва маънавий етукликка даъват этиб келадилар.**

Кўплаб улуғ зотларнинг бешиги бўлмиш Туронзаминнинг буюк фарзанди, мутафаккир шоир Мир Алишер Навоий ҳазратларининг тарихда алоҳида ўрни бор. Бобокалонимиз серқирра ва сермаҳсул ижоди, улкан адабий мероси билан адолат, эрк, ҳалоллик, софлик, садоқат, комиллик каби олий фазилатларни улуғлаш орқали банибашарни эзгуликка чорлаган улуғ даҳолардан биридир.

(Давоми 4-бетда).

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

**деган ҳикматга амал қилмаган айрим ҳайдовчилар ҳам ўзларининг, ҳам бегуноҳ ўзгаларнинг ҳаётига зомин бўлмоқдалар**

Аслида, кўплаб йўл-транспорт ҳодисаси фақат тезликни ошириш эмас, балки ҳаракат қоидаларига амал қилмаслик оқибатида содир бўлади. Демоқчимизки, баъзи ҳайдовчилар ё малакасизликдан, ё билиб туриб, йўл ҳаракати қоидаларини бузадилар. Оқибатда, иқтисодий зарар, майиб-мажруҳлик, бир ёки бир неча кишининг ҳаётига зомин бўлиш фожиалари... Ва буларнинг барчаси бир неча сония ичида оддийгина бир ҳолатдан – ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига жинояткорона беписандликдан келиб чиқмоқда.

Бу фожиалар баъзан спиртли ичимлик ичиб, машина ҳайдаш оқибатида содир бўлаётгани янада аянчлидир. Масалан, 2013 йил 9 июнь куни Олмалиқ шаҳрида 11 С 953 давлат рақамли оддийгина икки ғилдиракли мотоциклда маст ҳолда бораётган Павел Максимов тротуарга чиқиб кетиб, бир йўла уч йўловчини жароҳатлади. Уларга тез ёрдам кўрсатиш ўрнига, қочиб қолди. Бошқа ҳайдовчилар жароҳатланганларни шифохонага олиб бордилар. Жабрдийдалардан бири ҳомиладор экан. Ўша куни туғуруқхонада унинг кўзи ёриди ва... онасининг қорнида жароҳат олган қизалоқ дунёга келибоқ, қайта кўз юмди. Еленанинг ўзи бир оёғи кесилиб, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бошқа икки йўловчи – Рамиля Ширинова ва Светлана Ничаева тан жароҳати олиб, даволанишди.

(Давоми 3-бетда).

Маънавият

## «ОТАСИНИНГ БОЛАСИ»

**Бекзод мактабни тугатганида синфдошлари унинг шаҳодатномасидаги баҳоларни кўриб, ҳайратда қолишди. Ғойибдан келган "аъло" баҳолар кейинги ойларда отасининг мактабга тинимсиз қатнови натижаси экани сир эмас.**

Иқтидорли ўқувчиларнинг эътирози синф раҳбарини шошириб қўйди, аммо директорнинг аралашувидан кейин вазият юмшади. Бу ҳолат бошқаларга таъсир кўрсатиши ва ортиқча гап-сўз чиқишини англаган синф раҳбари билан директор ўқувчиларга давомат ва интизомни рўкач қилиб, босим ўтказишга уринишди. Ноҳақликни илғаган синфдошлар Бекзоддан узоқлашдилар. Демак отасининг боласи бундан кейин ҳам суянчиқсиз яшолмайди ёки қалтис йўлдан юра бошлайди. Оқибатда ёш умри хазон бўлади.

Бошланғич синфда ўқийдиган арзанда қизига планшет, ўғлига ноутбук олиб берган бойваччалар уларнинг эртага ҳиссиз, ҳаёсиз бўлиб улғайишларига ўзлари замин ҳозирлаётганликларини нахотки, англашмаяпти? Ҳаммамиз фарзандларимиз учун яшаймиз, елиб-югурамиз. Аммо уларни керагидан ортиқ талтайтириб юборсак, жабрини ўзимиз тортамизку?! Бола боладай бўлсин. Унинг зиммасида ҳам ўзига яраша масъулият борлигини мурғаклигидан англатиб борайлик. Қаноатга, меҳнатга ўргансин. Лекин таассуфки, уларнинг аксарияти бугун ўз "кумирлар"ини кўпроқ хорижнинг анимацион, фантастик, қолаверса, порнографик фильмларидан излашаяпти. Бунга ким айбдор? Албатта, ота-оналар. Чунки улар бунга изн беришган.

Ангрендаги А. Навоий номли кутубхона қошида икки-уч йилдирки, интернет клуби ишлайди. Бу даргоҳга пешин пайтида кирсангиз, бир гуруҳ бошланғич, ўрта синф ўқувчиларини шовқин-сурон ичида, сўкинган, тажанг ҳолатда компьютерда ўйин ўйнаб ўтирганларини кўрасиз. Деярли ҳар куни шу аҳвол. Лекин қаршидаги ўқув зали деярли кимсасиз. Кўплаб болалар тушлик учун берилган пулларини компьютер ўйинлари учун сарфлашади. Қизлар шоу юлдузларининг суратидан коллекция йиғиш билан машғул.

Телекўрсатувларда қулоққа тиқиладиган электрон воситанинг зарари тўғрисида бонг урилмоқда. Лекин болангизга ортиқча пул берсангиз, дарров ўша воситани сотиб олади. Улар тинглаётган мусиқалардан саросимага тушасиз...

– Қайси соҳани эгалламоқчисан, – сўрайман лицей битирувчисидан. У эса сира иккиланмай қўл силтайди: "Э, пахан омон бўса бас, истаган ўқишимга киритиб қўяди". Оталар фарзандларига нега бундай ваъда беришади? Ёки қизини эпли қилиш ўрнига сепли қилиш учун жонини жабборга бериб "модадаги моллар"ни йиғиш билан андармон оналар-чи? Нега совчиларни қизларнинг касб-корлари, қўлидаги ҳунари қизиқтирмай қўйди?

(Давоми 4-бетда).

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги диққатига



## ДАРАХТЛАР КИМНИНГ МАҲРИГА ТУШГАН?

Бундан бир неча йил аввал Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига тайёргарликнинг бориши билан танишгани туманлардан биридаги маҳаллага бордик. Шу ердаги мактаб томон бошлаб бораётган оқсоқол бирдан йўл четидаги дарахтга сайлов участкаси йўналиши ишорасини билдирувчи тахтакачни михлаётган аёлга ўдағайлаб қолди:

– Ҳой, бу дарахт маҳрингга тушганми? Унга мих уришга қандай ҳаддинг сиғди? Ол табличкангни. Ҳали йигитларга айтаман, алоҳида устунча қилиб илиб қўяди уни. Индамаса, дарахт жониворни илма-тешик қилиб ташлайсанлар...

(Давоми 2-бетда).

Янги қонун кучга кирди

# БОШ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бюджетга доир барча муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг жамланмаси сифатидаги Бюджет кодекси ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, ушбу кодекс бюджет жараёнини тартибга солувчи, амалда ўзини оқлаган меъёрлар ва низомларни бирлаштирувчи ҳамда янги нормаларни ўрнатувчи ягона қонун ҳужжатидир.

Бюджет қонунчилигини ўрганиш мақсадида ўтказилган хатлов бу борадаги муносабатларда бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Улар биринчидан, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуннинг айрим нормалари замон талабларига жавоб бермаслиги, бюджет тизимини ислоҳ қилиш юзасидан давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатларга мос эмаслиги билан боғлиқ. Айни шу боис кодексда икки палатали парламент шароитида Давлат бюджети параметрларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, давлат ҳокимияти органлари ваколатларини қайта кўриб чиқиш масаласи, давлат молия тузилмасида катта улушга эга бўлган, шу жумладан, янги ташкил этилган мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалар – Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари, 2011 йилдан жорий этилган давлат харидлари тамойили билан боғлиқ нормалар акс эттирилган.

Бундан ташқари, бюджет жараёнининг айрим босқичлари бир неча қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинган. Амалиётдаги ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида давлат қарзлари, четдан маблағ жалб қилиш масалалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар кодексда алоҳида ўз ифодасини топган. Шунингдек, кодексдаги янги нормалар орқали "бюджет ташкилоти" тушунчаси қандай ташкилотларга нисбатан қўлланилиши аниқ кўрсатилиб, бюджет фаолиятини текширишда назорат органларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг ишини қийинлаштирадиган нормалар, турлича талқинлар бартараф этилган. Шу билан бирга, бюджет тизими бюджетларига ҳамда бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш жараёнида Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тўғридан-тўғри бюджетдан маблағ олувчиларнинг ваколатлари алоҳида нормаларда аниқ белгиланмоқда.

Умумий ва махсус қисм, 9 та бўлим, 28 та боб ва 192 та моддадан таркиб топган Бюджет кодексида бюджет тизими бюджетларини тартибга солишнинг ягона принциплари ва меъёрларини қўллаш, бюджет жараёни ҳамма иштирокчилар ваколатларини ва улар ўртасида ўзаро алоқа тамойилларини белгилаш, бюджет жараёнининг барча босқичларини ягона ва яхлит қонун ҳужжати доирасида тизимлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбаларини бириктирган ҳолда, турли даражадаги бюджетлар ўртасида ваколатларни тақсимлаш ва уларнинг ўзаро алоқаларини тартибга солиш орқали бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш назарда тутилган. Бундан ташқари, бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, бюджет ҳисоби ва ҳисоботлари тартиби, давлат томонидан маблағ жалб қилиш масалалари, давлат молиявий назоратининг ташкилий асослари, бюджет қонунчилигини бузиш турлари ва улар бўйича жавобгарлик белгиланган.

Умумий қисм кодекснинг мазмун ва моҳиятини ёритиб берувчи, бюджет муносабатлари билан боғлиқ асосий қоида ва тушунчалар, бюджет тизими бюджетларининг тузилмаси, бюджет жараёни, унинг иштирокчилари ва уларнинг ваколатлари, бюджет тизими принциплари, бюджет тизими бюджетларининг таркиби, консолидациялашган бюджет тузиш, унинг мақсади ва таркиби, бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шакллантириш манбалари ва харажатлари йўналишларидан ташкил топган.

Махсус қисмда эса бюджет жараёни босқичларини тартибга солувчи қатъий нормалар белгиланган бўлиб, бюджет тизими бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда тасдиқлаш, уларни ижро этиш, ўзгартиришлар киритиш тартиблари, бюджетлараро муносабатлар тамойили, Давлат бюджети тақчиллиги ва уни молиялаштириш манбалари, бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби, бюджет тизими бюджетларининг ижросини назорат қилиш бўйича нормалар акс эттирилган.

Бюджет кодекси нормаларини татбиқ этишда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида асосий тушунчалар рўйхати кенгайтирилиб, ҳозиргача мавжуд бўлган 22 та ўрнига 39 та тушунчага изоҳлар берилган.

Энг муҳим янгиликлардан бири шуки, қонунчилик асослари ва амалиёт ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида давлат молиясини бошқариш жараёнида давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари буткул қайта кўриб чиқилган. Агар ҳозиргача қонунчиликда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Молия вазирлиги ваколатлари белгиланган бўлса, Бюджет кодексида бюджет жараёнининг қолган иштирокчилари, жумладан Ҳисоб палатаси, ҳудудий молия органлари, бюджет маблағларини тақсимловчилари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ваколатлари ўз аксини топган.

Амалдаги қонунчиликда вазирлик ва идораларнинг бюджет буюртмалари бир йил муддатга тузилиши назарда тутилган бўлиб, унда бюджетдан маблағ олувчиларнинг жаҳон андозаларига мос келадиган бюджетни ўрта муддатли режалаштириш усули бўйича буюртма тайёрлаш тартиби қонун ҳужжати асосида белгиланмаган, айни пайтда бюджетдан ташқари маблағлар, инсонпарварлик ёрдамлари ва техник кўмак маблағлари, ундириладиган тўловлар ва шу каби молиялаштиришнинг бошқа айрим манбалари инобатга олинмаган.

Мазкур масалалар Бюджет кодексида қонун йўли билан ҳал этилган. Бу эса ўрта муддатли режалаштириш принципларини татбиқ этиш учун замин яратади, ажратилаётган бюджет маблағларини бюджет ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат натижалари билан боғлашни кучайтириш кўзда тутилган натижага йўналтирилган бюджетни режалаштириш усулини такомиллаштиради. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджет сўровномаларида берилган маълумотларнинг асосланганлиги ва сифатлилигини таъминлаш учун имконият яратади. Шу мақсадда бюджет сўровининг таркиби бюджет ташкилотининг, бюджет маблағлари олувчининг ва бюджет маблағларини тақсимловчининг бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олувчи, ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботни, харажатлар реестрини, бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастурини ҳамда у билан узвий боғлиқ ҳолда тузилган келгуси давр учун бюджет буюртмасини ўз ичига олиши белгиланган.

Бу каби янгиликларни кодексга киритишда жаҳоннинг ривожланган малакатлари, жумладан, Германия, Франция, Корея, Япония ҳамда МДҲ айрим мамлакатларининг бюджет қонунчилиги тажрибасини ўрганиш муҳим омил бўлди.

Бюджет кодексида давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар тизими, давлат молиявий назорати принциплари, шакллари, турлари ва усуллари, назорат органларининг ваколатлари, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат молиявий назорати органларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, давлат молиявий назоратини ўтказишдаги чекловлар аниқ белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, унда қонун ҳужжатларини бузиш турлари баён қилинган бўлиб, бунда бюджет ва смета-штат интизомини, бюджет ҳисобини ва молиявий ҳисоботни юритиш тартибини ва бошқа бюджет нормаларини бузиш ҳолатлари алоҳида моддаларда таснифлаб берилган. Бу ўз навбатида, бюджет жараёни иштирокчилари ва кодексдан фойдаланувчиларда бюджет қонунчилиги чегарасидан чиқиш ҳоллари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Кодексда назарда тутилган норма ва қоидаларнинг амалга оширилиши бюджет жараёнининг ҳамма босқичлари ҳамда даражаларида ягона ҳуқуқий норма ва ёндашувлар қўлланилишини таъминлайди, бюджет жараёни барча иштирокчиларининг фаолиятини енгиллаштиради.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лойиҳа муҳокамаси

# АКЦИЯДОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Демак, қабул қилинажак янги Қонуннинг мақсади Концепцияга мувофиқ республикада корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акциядорларнинг, жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ва назорат органлари роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек акциядорлар ва салоҳиятли инвесторлар учун акциядорлик жамияти фаолиятига оид ахборотлар ошкоралигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифаларидан бири эса акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва тугатиш, улар фаолияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мулкчиликнинг акциядорлик шакли яқиндан бери амал қилаётганига қарамай, акциядорлик жамиятлари ривожи учун зарур шароитлар ҳамда уларни ташкил этиш ва фаолият юритишига оид ҳуқуқий база яратилди, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Шунга асосан, мамлакатимизда 1200 дан ортиқ акциядорлик компания ва корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ички назоратини ташкил этиш ва юритишда тафтиш комиссиялари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, янги нормалар билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида Қонун лойиҳасида уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки тамойили, яъни жамият бошқарув органлари тизимида шундай акциядорлар манфаатларини ифодаловчи акциядорлар томонидан сайланадиган ва уларнинг умумий йиғилишига бўйсунувчи миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, акциядорлик жамияти фаолияти холислигини таъминлаш, акциядорлар ва салоҳиятли инвесторлар акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисида ахборотлар олишига кенг имконият яратиш мақсадида акциялари фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари томонидан фонд биржаси сайтида жамиятнинг устави ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини чоп этиши мажбурийлигини таъминлаш масалалари киритилмоқда. Бундай амалиётни киритиш халқаро нормалар талабларига ҳам мосдир.

Эндиликда Парламент қонунчилиги амалиётида кенг йўлга қўйилган халқаро тажрибани ўрганиш, таққослаш ҳамда ҳуқуқий хулоса чиқариш айни халқаро талабларга мос ҳамда пухта ва пишиқ қонунлар ишлаб чиқилишига хизмат қилади. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Фракцияси ушбу Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида 20 тага яқин аниқ таклифлар киритди. Шундан 10 таси айни партиямиз сайловолди платформасида белгиланган вазифаларга мослиги билан инобатга олинди. Умуман, Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда депутатлар ва бошқа партиялар фракцияларидан 200 дан ортиқ таклифлар тушди.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини жадаллаштириш ҳамда уларнинг бошқарув ва назорат органлари жавобгарлигини ошириш, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институтини яратиш имконини беради, акциядорлар ва салоҳиятли инвесторлар акциядорлик жамияти фаолиятига оид ахборотлар олиши учун кенг йўл очади.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги диққатига

# ДАРАХТЛАР КИМНИНГ МАҲРИГА ТУШГАН?

Ўшанда оқсоқолнинг аёл кишига қўпол муомаласидан бироз ранжиган бўлсакда, шундай жонкуярлар борлиги учун ҳам юртимиз табиати завол кўрмайди, деган фикр ўтган хаёлимиздан.

Бўстонлиқ тумани марказидаги кўчалардан ўтиб боракканмиз, беихтиёр ўша воқеа ёдимизга тушади. Дарахтларга ким нимани хоҳласа михлайверибди: биров рекламани, биров эълонни ва яна биров йўл белгисини...







Бу ерда юқорида эслаганимиз каби куюнчак маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари йўқмикин? Экология назорати билан шуғулланувчи идора вакилларичи? Ахир бу Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 47-моддасида назарда тутилган "табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш"нинг ўзгинаси-ку!

Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, бечора дарахтларга юк бўлиб турган бу антиқа битикларнинг бари ташқи реклама деб аталади ва яна бир қонунбузарлик аломати ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни 20-моддасига мувофиқ, муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди. Ундан ўзгаси эса, ташқи рекламадир. Уни илгувчилар эса, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилади. Дарвоқе, шу Қонуннинг $187^1$-моддасида белгиланганидек, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).







Туман ҳокимлигидаги мутасаддилар биров келиб, Бўстонлиқдаги "текин реклама ишқибозлари"га: "Бу дарахтлар маҳрингизга тушганми?" деган саволни бермасидан олдин, тезроқ бу қонунбузарликни бартараф этсалар яхши бўларди.

**Тўнғич БЕК.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Қуйи Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалик техникаларини баҳорги мавсумга тайёрлаш қандай бораётганини кўздан кечириш мақсадида техник кўрик ташкил этилди.**

## ТЕХНИК КЎРИК

Тадбирда ер тузиш кадастр қўмитаси ва ИИБ вакиллари иштирок этишди.

– Таъмирлаш ишлари жадал бораяпти, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Ш. Тошбоев. – Ҳозирда 170 та культиватор, 10 та ер текислаш ҳамда 50 та НРУ, 35 та ОВХ, минерал ўғит сепиш мосламалари, 65 та сеялка, 34 та комбайн йиғиб бўлинди. Шу кунгача 75 фоиз иш бажарилди.

Шунингдек, ғаллага минерал ўғитни марказлашган усулда бериш мақсадида махсус отряд тузилди.

Ҳозир тумандаги 81-автокорхона, "Агротехсервис" МТП ва "Қишлоқхўжаликкимё" корхоналарида техникаларни таъмирлаш давом этмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Тараддуд

# «АВТОТЕХСЕРВИС»ДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ




**Туманларда қишлоқ хўжалик техникаларини кўкламги дала ишларига созлаш ҳал қилувчи паллага кирди. Деярли ҳамма МТП ва ММТПларда мавжуд техника бир жойга жамланиб, марказлашган тарзда созланаётгани ишнинг тез ва сифатли битишига имкон яратаяпти.**

Хусусан, Оҳангарон "Агротехсервис" МЧЖ бор техникаларни тўртта жойга жамлаб, таъмирлаш ишларини режали ташкил этмоқда. Навоий фермерлар кенгаши ҳудудидаги 39 та фермер хўжалиги техникалари марказлаштирилган ҳолда таъмирланмоқда. Иккита "Магнум", учта МХ-255, саккизта ТС-135 ва ўн бешта МЗ-10/25, жами 28 ҳайдов тракторлари бирин-кетин созланиб, синовдан ўтказилмоқда.

Бу ердаги техникаларнинг кўпи фермерларники. Аксарияти янги – бир-икки йил бурун харид қилинган. Шу боис уларнинг кўпи аллақачон тайёрлик чизиғига қўйилган.

– Дон комбайнларини бир бошдан қайта йиғиш режалаштирилган, – дейди чилангар Жўрабек Исмоилов. – Ҳисоб-китоб бўйича 126 миллион сўмлик эҳтиёт қисм керак бўлади. Январнинг иккинчи ярмидан ишларимиз анча тезлашди. Чунки, Оҳангарон агросаноат ва иқтисодиёт коллежининг учинчи босқич ўқувчилари ёрдамга келишди.

– Коллежни бу йил битирадиган 29 ўқувчимиз сўнгги амалиёт машғулотларини шу ерда ўтказишди, – дейди ўқув-амалиёт бўйича коллеж устаси Умарали Турсунқулов. – Улар 12 та "Класс", иккита "Кейс" ва битта "Нью холдинг" – жами 15 та дон комбайнини таъмирлашда фаол қатнашиб, малакаларини оширдилар.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Фойдали рисола

# БИЗНЕС БОШЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросига ҳисса қўшиш мақсадида "EL MADAD" ташкилоти "Бизнес бошлаш учун 202 лойиҳа" китобини чоп этди.**

Ушбу китоб тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини бошданоқ тўғри йўлга қўйиб олишлари, ўзбек моделининг мазмун-моҳияти билан янада чуқурроқ танишишлари, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадини кенг оммага етказиш учун хизмат қилади. У бошловчи тадбиркор ва бизнесчиларга фаолиятлари давомида учрайдиган муаммоларни осон ҳал этиб боришларига ёрдам беради.

Жумладан, китобдаги лойиҳалар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, банклардан кредит олиш, оилавий тадбиркорликда қўл келадиган бизнес соҳасини тўғри танлаш, бизнес-лойиҳа ёрдамида грант олиш, пул ишлаб келиш мақсадида чет элга кетиб, аянчли аҳволга тушиб қолмаслик учун оила си бағрида ўз бизнесини ташкил этиш, коллеж битирувчилари эгаллаган касблари бўйича бизнес йўлини танлаб, ёш тадбиркорлар сафига дадил кириб боришлари учун жуда асқотади.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАҲАЛЛАДА УСТАХОНА

**Янгийўл тумани Эски қовунчи қишлоғидаги "Қирсадоқ" маҳалласида фаолларнинг ёрдами билан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси иш бошлади.**

Бу ерда талабгорлар учун умумий овқатланиш ва автомобилларни ювиш хизматлари мавжуд. Муҳими, маҳалладаги 10 нафар ёшлар ишли бўлдилар.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига

# ЭЗГУЛИК ДАҲОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Алишер Навоий асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилингани, адабий меросига қайта-қайта мурожаат этилиши, жаҳоннинг энг йирик шаҳарларида ҳайкаллари ўрнатилгани унинг ижодига эҳтиром ифодасидир.

Нафис ва бетакрор ғазалларида улуғ инсоний неъмат – муҳаббат, вафо, садоқатни маҳорат билан тараннум этган шоир, забардаст достонларида қаҳрамонлик, мардлик, адолат, фидойилик, дўстлик, халқпарварлик каби фазилатларни улуғлайди.

Шоир ҳамиша инсоннинг комил бўлишини орзу қилади ва шунга тинимсиз даъват этади. Чунки, инсон фақат комиллик билангина саодатга эришади.

*Камол эт, касбким,*
*олам уйидан*
*Санга фарз улмағай*
*ғамнок чиқмоқ,*
*Жаҳондин нотавон*
*ўтмак биайниҳ*
*Эрур ҳаммомдин*
*нопок чиқмоқ.*

Инсон бу дунёга комиллик учун, камолотга эришмоқ учун келади.

Комиллик касб этмай, фақат нафси кўйида, молу дунё, амал ҳирси билан яшаб ўтиш, шоир наздида нопокликдир. Ҳаёт моҳиятини, дунё ишларини теран англаш ва тийрак мушоҳада этиш ҳам комиллик белгисидир. Кўр-кўрона яшаш, кўр-кўрона эътиқод қилиш – нокомиллик нишонаси. Мутафаккир шоир энг олижаноб одам, энг комил инсон – элу юрт, халқ ва Ватан ғами билан яшайдиган инсон, дея таърифлайди.

*Одамий эрсанг*
*демагил одамий,*
*Оники йўқ халқ*
*ғамидин ғами.*

Аслида Алишер Навоий яшаб, ижод этган XV аср Марказий Осиё тарихида феодал тузум, диний ақидапарастлик ҳукмронлик қилган мураккаб давр бўлган ва ўша пайтда ҳур ҳаётни улуғлаш жуда хатарли эди. Аммо даҳо шоир бу ҳаёт ҳақиқатини катта жасорат ва зўр маҳорат билан ифода эта олганки, бу ҳам шоирнинг буюк қалб эгаси эканидан далолатдир.

Етук шахс, комил инсон ўзининг бор билими, кучи ва ҳаётини одамларга яхшилик қилиш, эзгуликлар кўрсатишга сафарбар этмоғи лозим. Шу сабабли аллома шоир яратган қаҳрамонларидан бири – Фарҳод:

*Ҳунарни асрабон*
*нетгумдир ахир,*
*Олиб тупроққаму*
*кетгумдир охир,*

– дея бор жасорати, матонати, беқиёс куч-қудратини тоғ-тошларни кесиб, сув йўлини очиш, элга обиҳаёт етказиб беришдек эзгу ишга бахшида этади.

Дунёда ҳар бир инсон шундай эзгу мақсад, эзгу аъмол, эзгу иш билан яшамоғи лозим. Даҳо шоирнинг энг буюк орзуси шу эди.

**Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.**



# МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг порлоқ хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар февраль ойининг илк кунлариданоқ бошлаб юборилган. Айниқса, мактаб, коллеж, институтларда ўтказилаётган Навоийхонлик кечалари, мушоира, учрашув ва давра суҳбатлари, ўқувчилар тайёрлаган шоир ҳаёти ва ижодига доир саҳна асарлари барчага беқиёс маънавий, руҳий кўтаринкилик бағишламоқда.

Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида 8-, 9-синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган "Алишер Навоий – миллат кўзгуси" адабий-бадиий кечада улуғ шоирга ҳурмат, меҳр-муҳаббат яққол сезилиб турди. Навоий ролини ижро этган 8-синф ўқувчиси Муҳриддин Тожиддинов, Гули – Наргиза Ботирхонова, ғазалларини маҳорат билан ўқиган Дилнавоз Ўлжабоеванинг чиқишлари томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, шаҳардаги 25-умумтаълим мактабида ҳам "Биз буюклар авлодимиз" мавзуида бошланғич синфлар иштирокида адабий кеча ўтказилди. Улуғ шоир ролини ижро этган 2-синф ўқувчиси Шаҳбоз Низомиддинов томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Bolalik bog`i

# ShIRIN GILOS

Ravshan degan ukam bor. Maktabda o`qiydi. Daftarini qarasam nuqul "a'lo", "yaxshi" baholarni ko`raman.

Bugun ham u maktabdan keldi-da, kiyimlarini o`zgartirdi. Yuz-qo`lini yuvib, choy ichdi. Bu vaqtda dadam hovlimizdagi ertapishar gilosning tagini yumshatayotgan edilar.

– O`g`lim, bugun menga ozroq qarashib yubor, – dedilar dadam ukamga qarab. – Ishlasang, mehnatkash bo`lib o`sasan.

Ukam esa lablarini cho`chchaytirib turdi-da, javob berdi:

– Voy, o`zingiz, sen mehnatkash bolasan, shuning uchun yaxshi o`qiysan, derdingiz-ku.

– Men darslaringni erinmay, puxta tayyorlaganingni aytgandim, – dedilar dadam peshonalaridagi terni artib. – Bilasanmi, o`g`lim, odam jismoniy mehnat qilishi ham kerak. Shundaylarni chinakam mehnatkash deyishadi. Mana, sen menga yordamlashganingda, gilos ham shirin bo`lardi.



Ravshan noiloj daraxt tagini nomigagina yumshatdi, so`ngra tayoq oldi-da, "qaniy" deb gilosdan bir dona urib tushirdi.

– Shirinmas-ku, – dedi u xom gilosni yeb ko`rarkan aftini burishtirib. – Qaytangga taxir!

Shunda dadam tushuntirdilar:

– Qo`l uchida emas, rostakamiga ishlash kerak.

Oradan uch-to`rt kun o`tgach, ukamni gilos tagini kichkina belkurak bilan yumshatayotganini ko`rib qoldim. U rosa terlab ketibdi. Qarasam, Ravshan gilosdan do`ppisiga terib olib yeya boshladi.

– Dada, – dedi u quvonib, – gapingiz rost ekan. Odam rostakam ishlasa, gilos ham shirin bo`larkan.

Dadam indamay, jilmayib turardilar. Chunki endi gilos pishib qolgandi-da.

**Abdusattor HOTAMOV.**

# АБАДИЯТ ГУЛШАНИДАН ЧЕЧАКЛАР

"Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир".

Юртбошимизнинг бу сўзлари буюк бобокалонимиз, ҳазрат Алишер Навоий шахси ва унинг бой адабий мероси хусусидаги энг гўзал ва ҳаққоний эътирофдир. Чиндан ҳам, ҳазрат ижоди дуру жавоҳирлар билан лиммо-лим уммондирки, ундан сув ичган инсоннинг ақлу шуури, тафаккури равшан тортади, ором ва ҳаловат топади.

Ҳар йили мана шу шукуҳли кунларда ҳазрат ижодига бағишлаб бадиий кечалар, ноанъанавий дарслар, мушоиралар ўтказиш мактабимизда яхши анъанага айланган. Бундай тадбирларни ҳамиша ранго-ранг тарзда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бу борада бизга мактаб дарсликларидан ташқари Навоий ҳазратларининг ижоди тадқиқ этилган илмий-оммабоп рисолалар, адабий-услубий қўлланмалар жуда-жуда асқотади.





Яқинда мактабимиз ахборот-ресурс марказида янги «Абадият гулшани» деб номланган китоб билан таниша туриб, биласизми, мен ўзим анчадан бери излаб юрган ноёб қўлланмани топгандек бўлдим. Разм солсам, уни севимли "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти нашрга тайёрлаб, чоп этган экан.

"Халқ сўзи"да мутафаккир бобомиз ижодига бағишлаб ойма-ой бериб бориладиган "Абадият гулшани" саҳифасини бир адабиёт ўқитувчиси, ҳам Навоий ижодиётининг мухлиси сифатида деярли қолдирмай кузатиб борамиз. Бу китобда ана шу саҳифаларда чоп этилган навоийшунос олимларнинг энг сара мақола ва митти тадқиқотлари, шунингдек, шоир ижодидан намуналар жамланган экан. Бу сафарги тадбирларимизни айнан шу китоб асосида ўзгача бир жозиба, мазмун билан ташкил этганимиз ўқувчиларимиз ёдида узоқ сақланиб қолса ажабмас.

Яна ҳам қувонарлиси, бу китоб 15 минг нусхада нашр этилиб, таҳририят томонидан мамлакатимиздаги таълим муассасаларига бепул тарқатилибди. Бу, чиндан ҳам хайрли иш. Бинобарин, "Абадият гулшани" фарзандларимизнинг маънавий оламини бойитувчи яна бир қимматли манба бўлиб хизмат қилишидан умидвормиз.

**Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,**
**Қибрай туманидаги 10-умумтаълим мактаби тил ва адабиёт ўқитувчиси.**



# БОҚИЙЛИККА ДАХЛДОР

**Чирчиқ шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда адабий-маърифий тадбир уюштирди.**

Шаҳар марказидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланиб, ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида давом этган тадбирда ҳазрат Навоийнинг ўз даврида давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабиётида ҳамда ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда адиб ижодининг аҳамияти хусусида сўз борди.

***СУРАТДА:*** *А. Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимидан лавҳа.*

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## Билиб қўйган яхши

# ТАНЛАНГ: МОДАМИ ЁКИ СОҒЛИҚ?



Сўнгги йилларда ёшлар ўртасида турли рангдаги резина этиклар урфга кирди. Аммо, мода кетидан қувувчилар, унинг саломатлик учун зарари ҳақида билишармикан?

Қулай ва чиройли кўринсада, бундай этикларда кун бўйи юриб бўлмайди, дея огоҳлантиришди мутахассислар. Сабаби, резина оёқни музлатиб, ҳаво ўтказмайди. Намлик чиқиб кетмагач, оёқ тез терлаб, тез совийди. Натижада, турли касалликлар келиб чиқади.

Шифокорлар бундай этикларни 3 соатдан ортиқ кийишни тавсия этмайдилар. Яхшиси, резина этик ичига пахта матодан махсус мослама қопланганини танлаган маъқул. Оёққа жундан тўқилган пайпоқ кийиш керак.

Рассом хандаси





## Маънавият

# «ОТАСИНИНГ БОЛАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар кўпроқ ота-онанинг иш жойи, топиш-тутиши, турмуш-турмуши, машинаси борми-йўқми, кўпроқ шуларга қизиқишмоқда. "Ўғлим танлаган қиз менга ёқмаяпти". "Нега? Ахир, қиз институтни битираяпти, дегандингиз. Зиёли бўлса..." "Зиёли бўлгани билан отаси йўқ, бунинг устига кўпқаватли уйда яшаркан. Ўғлимни "поддержка" қилиб турадиган қайнотаси бўлмаса... Онаси эса, ошхонада идиш юваркан".



Ана холос. Бу фикрлар кимдан чиқаяпти? Кўпни кўрган ўқитувчи аёлдан. Нега биз жиддий масалаларни ҳам ақл тарозусида обдон ўлчамай қўйдик? Бизнинг калтабинлигимиз, енгил фикрлашимиз жабрини фарзандларимиз тортмаяптими? Тарбиячиларнинг ўзлари тарбияга муҳтож бўлиб турганида бошқалардан гина қилишимиз ўринлими?

Таассуфки, бугун орамизда "отасининг боласи" кўпайиб кетган. Ўзига тўқ оилаларнинг ҳамма ҳавас қилса арзийдиган фарзандлари ҳам кўп. Бу албатта, тарбияга боғлиқ. Аммо бунинг акси ўлароқ, боқибеғам, кўнглига келган ишни қилиб ўрганган тантиқ ва инжиқлари ҳам ҳар қадамда учраб турибди. "Онасининг боласи" ҳам етарлича.

Лекин мен нега айнан оталарга урғу бераяпман? Отанинг оилада ўз ўрни, ўз сўзи, қатъияти, ҳукми, одил қарори бўлиши керак. Оналарнинг кўнгли бўш. Айниқса, ўғил болалар оталаридан ҳайиқишмаса, улар эртага қандай қилиб Ота мақомига эришишлари мумкин? Тарбия оиладан бошланади. Айрим ота-оналар фарзандларининг худбинлигидан нолиб қолишади. Улар иллатнинг илдизини ўзларидан қидиришлари лозим. "Тайёр ошга баковул" қилиб ўстирган ўғил-қизлари эртага бошларига бало бўлишини ҳис этишни истамайдиганлар салгина танбеҳ берсанг, энсалари қотиб: "Нима қилай, қийналмай катта бўлсин дегандим" дея ўзларини оқлашади. Папаланиб ўсган бола қандай қилиб олдида турган қийинчиликларни енга олиши мумкин, ахир?!

Ота-онасини, оиласини бошига кўтарадиган ўғилларни кўриб, қувонаман. ...Муҳаммаджон оилада ёлғиз ўғил бўлса-да, ўз билими билан ўқишга кирди. Шартнома-тўлов пулини ўқишдан ажралмаган ҳолда, ишлаб топиб, тўлади. Кечагина уни бир қўшма корхонага раҳбар этиб тайинлашибди. Эшитиб хурсанд бўлдим. Мана, интилиш ва изланиш, тўғри тарбиянинг ширин меваси. Ваҳоланки, Муҳаммаджоннинг отаси ҳам топармон-тутармон эди. Онаси ёлғизгина ўғлим, дея уни еру кўкка ишонмасди. Опа-сингилларини суяб яшаётган ўғилга ҳавас қилиб, маҳалладошлари унинг исмини невараларига қўйишмоқда. Енгил фикрлайдиган ёшлар ана шундайлардан ибрат олишса соз бўларди. Хулоса шуки, бугун боласининг эртасини ўйламай иш тутаётган "меҳрибон" ота-оналар уларнинг келажагини таъминлашда тарбия ва таълим муҳимлигини, бунга эса ҳалол меҳнат, заҳмат орқали эришиш кераклигини сингдиришлари ўзлари учун кони фойда.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**





## ЯДРО ЧИҚИНДИЛАРИ ОМБОРИДА ЁНҒИН

**Нью-Мексико штатидаги ядро чиқиндиларини сақлаш ер ости омборида ёнғин юз бергани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**



АҚШ энергетика вазирлиги баёнотида айтилишича, тажриба лабораториясида юз берган ушбу кўнгилсиз ҳодиса сабабли ер ости омборида ишлаётган барча ходимлар зудлик билан эвакуация қилинди. Бир неча ходим яқин атрофдаги шифохоналарга ётқизилди. Мамлакат энергетика вазирлиги вакилларининг айтишича, улар ёнғин оқибатида заҳарланишган. Тажриба лабораториясидаги иш ҳам вақтинча тўхтатилган.

Ҳозирча ёнғин нимадан чиққанлиги, шунингдек, у келтирган зарар ҳақида ҳеч қандай маълумот тарқатилмади.

Аслида ушбу лаборатория 1970-йилларнинг охирида 600 метр чуқурликдаги туз конида қурила бошланган эди. Бироқ, мамлакатда шу объект хусусида қизғин баҳслар бошлангани боис, тўхтаб қолганди. Уни фақат орадан 20 йил ўтиб, яъни 1999 йилда ишга туширишга муваффақ бўлинди.

## ХИТОЙ ЙЎЛЛАРИНИ ҚАЛИН ҚОР ҚОПЛАДИ

**Бир кеча-кундузда 16 сантиметрдан қалинроқ қор ёққанлиги мамлакатнинг кўпгина минтақалари йўлларида ҳаракатнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.**



Хитойнинг шимолий ва шарқий вилоятларида қор айниқса кўп ёғди. Бир вақтнинг ўзида кучли шамол эсиб, ҳарорат минус 18 даражага тушиб кетди. Бу йилги қишга хос бўлмаган бундай кескин ўзгариш мамлакатнинг 9 та вилоятида магистрал йўлларнинг ёпилишига олиб келди. Ҳатто, метеорологлар бу йилги қишда ҳали қор кўрмаган пекинликларни ҳадемай қор ёғиб, ҳаво ҳарорати пасайиб кетишидан огоҳлантирмоқдалар.

## БИР ТОННА КОКАИН ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

**Панаманинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Колумбия билан чегарадош вилоятлардан бирида ўтказган махсус операция жараёнида бир тоннага яқин кокаинни қўлга киритдилар.**



Экспертларнинг фикрига қараганда, мусодара қилинган ушбу гиёҳвандлик моддасининг "қора бозор"даги умумий қиймати 70 миллион долларга баҳоланиши мумкин экан. Ушбу ажал уруғи Панама қирғоғи яқинида тезюрар кема бортидан топилди. Бундай ноқонуний юкларни ташувчи контрабандистларнинг ўзлари яширинишга муваффақ бўлдилар.

Панама ҳукумати кейинги йилларда наркомафияга қарши курашни анча кенгайтирди. Гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчилар Жанубий Америкадан ушбу моддаларни АҚШга етказиш учун мамлакатнинг қирғоқ сувларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпти. Жумладан, ўтган йили марказий Америка республикасида 42 тонна гиёҳванд модда ҳамда контрабандачиларга тегишли 3 миллион доллар маблағ қўлга туширилди.

## ЯНА НОМАЪЛУМ ПАРРАНДА ГРИППИ

**Хитойлик врачлар яқинда вафот этган аёлнинг танасидан ҳозиргача номаълум бўлган парранда гриппи вирусини топишди.**



"Биз эришган натижалар шундан далолат берадики, ушбу вирус икки хил парранда гриппи қўшилмасидан ёввойи парранда танасида пайдо бўлиши мумкин. Шундан сўнг у уй паррандаси ўпкасига ўтади", дейди Пекиндаги касалликларнинг тарқалишини назорат қилиш ва олдини олиш маркази мутахассиси Шу Елун. У ўз ҳамкасблари билан ҳамкорликда бемор аёлнинг ҳаётини сақлаб қолишга уринди. Унинг сўзларига қараганда, бемор мутахассисларга мурожаат қилишдан уч кун аввал ўзини нохуш ҳис этаётганини айтган. Маълум бўлишича, у бир неча кун аввал тирик паррандалар бозорига борган экан. Вирусни ўшанда юқтириб олган бўлса, ажаб эмас. Хуллас, врачларнинг зўр бериб уринишларига қарамай, аёл тўққиз кун деганда вафот этди.

Олимлар ушбу аёлнинг қонида ҳамда сўлакайида кўплаб грипп вирусини аниқладилар. Ушбу вирус ёввойи ҳамда уй паррандаларида тез-тез учраб туради. Бироқ, у шу пайтгача одамлар ва бошқа сут эмизувчиларни заҳарламаган эди.

2014 йилда мамлакатда парранда гриппи хасталиги билан боғлиқ 115 та ҳолат ва 25 та ўлим қайд этилди.

## КОНГО ЎРМОНЛАРИ ҚУРИБ БОРАЯПТИ

**Ер шарининг Амазонкадан кейинги "иккинчи ўпкаси" дея таърифланувчи Конго дарёси ҳавзасидаги нам тропик ўрмон кескин сийраклашиб бормоқда.**



Бу ачинарли ҳолатда, аввало одамларнинг айби катта. Камерун, Марказий Африка Республикаси, Конго Демократик Республикаси, Габон, Экваториал Гвинея ва Конго Республикаси ҳудудларида 3,7 миллион квадрат километр майдонни эгаллаб ётган бу кўм-кўк минтақа одамларнинг табиатга нотўғри муносабати қурбонига айланмоқда. Ваҳоланки, бу катта ҳудудда минглаб ўсимлик турлари, парранда, сут эмизувчи жонзотлар яшайди. Энг муҳими, Ер юзида атмосферага чиқариладиган карбонат ангидриднинг 25 фоизини айнан шу ўрмон ютиб, одамлар саломатлигини асрайди. Шуниси ачинарлики, ўрмоннинг сийраклашиб бориши ҳадемай маҳаллий иқлимга ҳам кескин акс таъсир кўрсатиши мумкин.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9144. Адади 18809. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.